БОЗОР, ПУЛ ВА КРЕДИТ
РЫНОК, ДЕНЬГИ И КРЕДИТ

8 / 2022

БПК

ОЙЛИК ИЛМИЙ-АМАЛИЙ ИҚТИСОДИЙ ЖУРНАЛ
ЕЖЕМЕСЯЧНЫЙ ЭКОНОМИЧЕСКИЙ НАУЧНО-ПРАКТИЧЕСКИЙ ЖУРНАЛ

ЎЗБЕКИСТОННИНГ ТАШҚИ ҚАРЗ СИЁСАТИ ВА УНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ – 26-бет

ТАШАББУСЛИ БЮДЖЕТ ЖАРАЁНЛАРИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ – 32-бет

МАМЛАКАТИМИЗДА КОРПОРАТИВ БОШҚАРУВ МОДЕЛЛАРИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ЙЎНАЛИШЛАРИ – 40-бет

КОРХОНАЛАРНИ ҚАЙТА ТАШКИЛ ҚИЛИШ ЖАРАЁНЛАРИ ВА УНИНГ НАТИЖАЛАРИ БЎЙИЧА ТУЗИЛГАН МОЛИЯВИЙ ҲИСОБОТ АУДИТИ – 52-бет

ТАШКИЛОТЛАРДА ЛОЙИҲАЛАРНИ БОШҚАРИШ ОФИСИ ФАОЛИЯТИ ТАҲЛИЛИ

4-бет



ISSN 2010-6580

МУНДАРИЖА / СОДЕРЖАНИЕ



Ислом молияси

3 *Маҳсулот жамғармаси*

Лойиҳаларни бошқариш

4 ***Ю. Номонова*** *Ташкилотларда лойиҳаларни бошқариш офиси фаолияти таҳлили*

Анализ и прогноз

18 ***О. Ларина, В. Кузнецова*** *Независимость центральных банков: необходимость или факт прошлого?*

Ташқи қарз сиёсати

26 ***И. Аҳмадалиев*** *Ўзбекистоннинг ташқи қарз сиёсати ва уни такомиллаштириш*

Ташаббусли бюджет

32 ***Ҳ. Хамидов*** *Ташаббусли бюджет жараёнларини такомиллаштириш*

Кредитлаш

39 ***М. Йўлдошева*** *Кредит ҳам қарз, олмоқнинг бермоғи бор*

Корпоратив бошқарув

40 ***Б. Мадрахимов*** *Мамлакатимизда корпоратив бошқарув моделларини такомиллаштириш йўналишлари*

Тадбиркорлик

44 ***К. Уразов, Б. Боронов*** *Ёғ-мой маҳсулотлари ишлаб чиқариш жараёнида олинадиган маҳсулотларнинг турлари*



Бухгалтерия ва аудит

52 ***Ж. Абдурасулов*** *Корхоналарни қайта ташкил қилиш жараёнлари ва унинг натижалари бўйича тузилган молиявий ҳисобот аудити*

60 ***М. Ахмедов*** *Фойда ва зарарлар тўғрисидаги ҳисобот: мазмуни, моҳияти ва аудитини такомиллаштириш*

Суғурта бозори

66 ***М. Турғунбоев*** *Суғуртанинг ижтимоий моҳияти – инсон манфаатларини ҳимоя қилиш*

БПК

БОЗОР, ПУЛ ВА КРЕДИТ

Ойлик илмий-амалий иқтисодий журнал

1996 йил сентябрдан нашр этилмоқда

8/2022

Август (303)

ТАҲРИРИЯТ

Директор:
Г.Н. БЕЗГИН

Бош муҳаррир:
В.С. УМИРОВ

Масъул котиб:
Ф.Т. ИЗЗАТУЛЛАЕВ

Реклама ва маркетинг хизмати:
Тел.: (+998)71-234-91-13;
(+998)99-837-11-04

ТАҲРИРИЯТ МАНЗИЛИ:
«БОЗОР, ПУЛ ВА КРЕДИТ» МЧЖ,
Тошкент ш., Чингиз Айтматов кўч., 1А-уй.
http://www.bpk.uz/
e-mail: info@bpk.uz

Журналнинг обуна индекси: 853
ISSN 2010-6580

Журнал ЎзР Матбуот ва ахборот агентлигида 2014 йил 2 июлда рўйхатдан ўтган.
Гувоҳнома рақами: 0058

Теришга берилди: 01.08.2022 й.
Босишга рухсат этилди: 28.10.2022 й.

Бичими: 60x90/8.
Офсет босма усулида чоп этилди.
Шартли босма табоғи: 9.0.
Буюртма №32. А.: 595.
«PRINT-MAKON» МЧЖда чоп этилди
(Тошкент шаҳри, Учтепа тумани, 22-даҳа, 17-уй).

Баҳоси шартнома асосида.

Материаллар кўчириб босилаётганда журналдан олингани кўрсатилиши шарт.
Юборилган қўлёзмаларни тақриз қилиш ва қайтариб юборишни таҳририят ўз зиммасига олмайди.
Журналда В.Л. Заводовнинг муаллифлик фотосуратларидан фойдаланилди.

МУАЛЛИФЛАР ДИҚҚАТИГА!

«Бозор, пул ва кредит» журналида мақолангизни чоп этмоқчи бўлсангиз, уни фақатгина электрон кўринишда қуйидаги манзилга юборинг: **info@bpk.uz.**

Таҳририят томонидан қабул қилинадиган мақолаларга талаблар билан журналимизнинг www.bpk.uz сайти орқали танишишингиз мумкин.

Эслатма: муаллифлар кўрсатилган электрон манзилга мақола юборишда исми, фамилияси, лавозими, илмий даражаси, иш жойи ва боғланиш телефонларини аниқ кўрсатишлари ва мақоланинг инглиз тилидаги аннотациясини юборишлари шарт.

CONTENTS

August №8 (303), 2022

Islamic Finance

3 *Product Fund*
This article is about the "Product Fund", which is another type of Islamic Foundation. This type of fund is engaged in the purchase of certain products at the expense of funds raised from investors and resale them. And the profit from sales is distributed among investors in accordance with their share. In order for the activities of the fund not to contradict Sharia, it is necessary to follow all the rules governing the trade agreement.

Project Management

4 ***Yu. Nomonova***
Analysis of the Activities of the Project Management Office in Organizations
Nowadays, the importance and the number of Project Management Office (PMO) are rising year by year. Many big organizations with simple or complex projects use PMOs in order to get successful results. However, for Uzbekistan it is new direction in organizations and before talk about its benefits it is important to know about PMO history and evolution, elaborating on what a PMO is and its categories according to its implementation. Each PMO model provides overall view about the projects and services across an organization or enterprise through a single or multiple office. It helps in decision making and delivery support for all business change within an organization.

Analysis and Prognosis

18 ***O. Larina, V. Kuznetsova***
Central Bank Independence: a Necessity or a Fact of the Past?
The article examines the issues of changing the independence of central banks. Discussions about the necessity and limits of the central bank independence have arisen almost from the moment of giving them such status. At present, when central banks are one of the main public administration bodies that resist the spread of the negative consequences of the COVID-19 crisis, this problem has again become relevant. At the same time, in modern conditions, the central bank independence and autonomy are balanced by their accountability and transparency, which are becoming a new and important state monetary policy tool. The authors distinguish its aspects: political, economic, procedural, policy, and operational opennesses. This approach has become widespread in the legal practice of developed countries, it seems reasonable to extend it to the Russian Central Bank activities. The authors conclude that after the end of the COVID-19 crisis, the model of central bank independence that prevailed earlier will not be restored, and it is necessary to form a new model of the Central Bank functioning.

External Debt Policy

26 ***I. Akhmadaliev***
External Debt Policy of Uzbekistan and Its Improvement
This article is about the possibility of returning funds of international financial organizations from now on and taking serious care of their effectiveness in order to further strengthen control over the targeted and rational expenditure of budgetary funds. According to the author of the article, foreign borrowing on behalf of the state should be reduced, attracting more private capital to investment and infrastructure projects, and special attention should be paid to public-private partnership.

Initiative Budgeting

32 ***Kh. Khamidov***
Improvement of Initiative Budget Processes and State Support in Addition to Proposals Expressed by Citizens
This article presents legal and analytical information on the work carried out within the framework of the «Initiative Budget» process conducted this year through the «Open Budget» information portal organized by the Ministry of Finance of the Republic of Uzbekistan, proposals submitted by citizens, voting processes and cases of financing proposals recognized as winners, as well as on the work done within the framework of the «Open Budget» project.

Crediting

39 ***M. Yuldosheva***
Credit is a Debt too, and It Must be Returned
This article is about the fact that the court, having satisfied the statement of claim of the plaintiff, that is, the bank, in relation to the borrower, issued a decision on the collection of credit debt from the responsible and two guarantors, as well as state duty in an order.

Corporate Governance

40 ***B. Madrakhimov***
Directions for Improving Corporate Governance Models in Our Country
Based on the implementation of the program of the latest changes and current reforms, the article will analyze the implementation of the corporate governance system in Joint-Stock Companies of Uzbekistan, analysis of compliance with the global principles of current corporate governance, and analysis of the basic models of corporate governance formed in the activities of Joint-Stock Companies and in developed countries.

Entrepreneurship

44 ***K. Urazov, B. Boronov***
Types of Products Obtained in the Production of Oils
The authors of the article believe that today in foreign and domestic literature the issues of production of oil and oil products, their recognition, assessment on the basis of international experience, reflection in the forms of financial statements are not sufficiently covered. The article provides proposals to eliminate various approaches and discussions in the practice of accounting at enterprises within the association "O'zyoqsanoat", and confusion in the reflection of economic processes in the account.

Accounting and Audit

52 ***J. Abdurasulov***
Audit of Financial Statements Prepared on the Processes of the Reorganization of the Enterprise and Its Results
Insufficient development of the methodology for recognizing, evaluating and reflecting the assets of the enterprise in financial statements necessitates conducting research on improving the accounting of the assets of the enterprise in this area. The article is about these issues.

60 ***M. Akhmedov***
Profit and Loss Statement: Content, Essence and Improving the Audit
The article is devoted to the problems of providing foreign investors with the necessary information environment, increasing investment attractiveness and expanding access to international financial markets, as well as improving the system of training specialists in the accounting and audit sectors on international standards by accelerating the transition to International Financial Reporting Standards (IFRS) widely used in the practice of developed countries.

Insurance Market

66 ***M. Turgunboev***
The Social Nature of Insurance is Human Interests Protect
In the context of a growing market economy, financial relations are also rapidly renewed. The service sectors are looking for new, modern ways of delivering fast, convenient and high-quality goods and services to consumers in a competitive environment based on the conditions of supply and demand. The main goal of producing goods and providing services is to generate income and make a profit.

КОРХОНАЛАРНИ ҚАЙТА ТАШКИЛ ҚИЛИШ ЖАРАЁНЛАРИ ВА УНИНГ НАТИЖАЛАРИ БЎЙИЧА ТУЗИЛГАН МОЛИЯВИЙ ҲИСОБОТ АУДИТИ

Бугунги кунда республикамизда катта иқтисодий ислоҳотлар амалга оширилмоқда, иқтисодиёт соҳасида бозор механизмлари жорий этилмоқда. Бухгалтерия ҳисоби соҳасида Молиявий Ҳисоботнинг Халқаро Стандартлари (МҲХС) жорий қилинмоқда. Бу борада Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартларига ўтиш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Қарори тасдиқланди. Шу сабабли, МҲХСни тан олиш, уларни жорий қилиш ўта муҳим аҳамият касб этади. Корхона активларини тан олиш, баҳолаш ва молиявий ҳисоботларда акс эттириш методологияси етарли даражада ишлаб чиқилмаганлиги бу соҳада корхона активлари ҳисобини такомиллаштириш бўйича тадқиқот олиб боришни тақозо этади.



АКТИВЛАР – БУ СУБЪЕКТ НАЗОРАТ ҚИЛАДИГАН, КЕЛГУСИДА УЛАРДАН ДАРОМАД ОЛИШ МАҚСАДИДА АВВАЛГИ ФАОЛИЯТ НАТИЖАСИДА ОЛИНГАН ИҚТИСОДИЙ РЕСУРСЛАРДИР; АКТИВЛАР – БУ ХЎЖАЛИК СУБЪЕКТИНИНГ ҚИЙМАТ БАҲОСИГА ЭГА БЎЛГАН МОДДИЙ, ШУ ЖУМЛАДАН, ПУЛ МАБЛАҒЛАРИ ВА ДЕБИТОРЛИК ҚАРЗЛАРИ ҲАМДА НОМОДДИЙ МУЛКИДИР.

«Молиявий ҳисоботни тайёрлаш ва тақдим этиш учун концептуал асос» бухгалтерия ҳисоби миллий стандарти (БҲМС)га мувофиқ «активлар – бу субъект назорат қиладиган, келгусида улардан даромад олиш мақсадида аввалги фаолият натижасида олинган иқтисодий ресурслардир; активлар – бу хўжалик субъектининг қиймат баҳосига эга бўлган моддий, шу жумладан, пул маблағлари ва дебиторлик қарзлари ҳамда номоддий мулкидир».

Демак, корхона активлари корхонанинг ишлаб чиқариш фаолиятида қатнашадиган ҳамда самара келтирадиган асосий ресурслардан бири ҳисобланади. Ҳозирги кунда республикамизда корхона активларининг корхона ресурслари сифатидаги аҳамияти тобора ошиб бормоқда. Корхоналарда мавжуд бўлган ресурсларнинг ҳажми ва таркиби унинг иқтисодий самарадорлигига таъсир этади. Корхоналарда ишлаб чиқариш жараёни қанчалик юқори бўлса, унда қатнашадиган ресурслар таркиби ҳам шунчалик кўп бўлади.

Активлар корхонанинг асосий ресурсларидан ҳисобланиб, уларнинг корхона фаолиятидаги таъсирини турли иқтисодий жараёнларда кўриш мумкин. Корхона активлари муддати, ресурс турлари ва моддийлигига кўра ажратиладиган бўлса, уларни ўз навбатида чизма орқали ифодалаш мумкин бўлади. Демак, активлар корхонанинг ресурсларидаги таркиби бўйича қуйидагича бўлинади:

- муддатига кўра – узоқ ва қисқа муддатли ресурслар;
- ресурс турларига кўра – меҳнат ва иқтисодий ресурслар;
- моддийлигига кўра – моддий ва номоддий ресурслар.



Жамшидбек Абдурасулов,
Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институти



Чизма

Корхона активларининг ресурслар таркибида қатнашиш жараёни



Манба: *тадқиқотлар асосида муаллиф ишланмаси.*

Ушбу расмдан кўриш мумкинки, активлар корхоналарнинг хўжалик фаолиятида иштирок этадиган асосий ресурслардан ҳисобланиб, улар иқтисодий жараёнларнинг турли босқичида қатнашади.

Ҳозирги иқтисодиётнинг изчил ривожланиш даврида корхоналар фаолиятидаги асосий ишлаб чиқариш омилларидан бирига айланиб бўлган корхона ресурсларининг ажралмас қисми ҳисобланган активлар таркибида молиявий активлар пайдо бўла бошлади. Ушбу активлар бошқа активлар каби корхона фаолиятида узоқ ва қисқа муддатда айланишда бўлганлиги билан ўхшашдир, аммо молиявий натижаларга таъсир кўрсатиши билан фарқ қилади, чунки улар корхона фаолиятида доим айланишда бўлиб, даромад олишга сабабчи бўлади ва корхона молиявий барқарорлигини таъминлайди.

ҲОЗИРГИ ИҚТИСОДИЁТНИНГ ИЗЧИЛ РИВОЖЛАНИШ ДАВРИДА КОРХОНАЛАР ФАОЛИЯТИДАГИ АСОСИЙ ИШЛАБ ЧИҚАРИШ ОМИЛЛАРИДАН БИРИГА АЙЛАНИБ БЎЛГАН КОРХОНА РЕСУРСЛАРИНИНГ АЖРАЛМАС ҚИСМИ ҲИСОБЛАНГАН АКТИВЛАР ТАРКИБИДА МОЛИЯВИЙ АКТИВЛАР ПАЙДО БЎЛА БОШЛАДИ.

УШБУ АКТИВЛАР БОШҚА АКТИВЛАР КАБИ КОРХОНА ФАОЛИЯТИДА УЗОҚ ВА ҚИСҚА МУДДАТДА АЙЛАНИШДА БЎЛГАНЛИГИ БИЛАН ЎХШАШДИР, АММО МОЛИЯВИЙ НАТИЖАЛАРГА ТАЪСИР КЎРСАТИШИ БИЛАН ФАРҚ ҚИЛАДИ, ЧУНКИ УЛАР КОРХОНА ФАОЛИЯТИДА ДОИМ АЙЛАНИШДА БЎЛИБ, ДАРОМАД ОЛИШГА САБАБЧИ БЎЛАДИ ВА КОРХОНА МОЛИЯВИЙ БАРҚАРОРЛИГИНИ ТАЪМИНЛАЙДИ.

Тадқиқот натижаларидан хулоса қилиш мумкинки, бугунги кунда корхона активларини тан олиш, уларни молиявий ҳисоботларда акс эттиришга оид стандартлар ишлаб чиқиш зарурияти мавжуд. Мамлакатимизда амалга оширилаётган қатор ислоҳотлар дастурларида кўрсатилган вазифаларни бажаришда корхона активлари ҳисобининг назарий асосларини такомиллаштириш бўйича қуйидаги таклиф ва тавсияларни ишлаб чиқдик:

- ривожланган мамлакатлар тажрибасидан андоза олган ҳолда корхона активлари ҳисобининг назарий ва концептуал асосларини такомиллаштириш;
- МҲХС талабларидан келиб чиққан ҳолда корхона активларини тан олиш, баҳолаш ва молиявий ҳисоботларда акс эттиришнинг янги методологиясини тузиш;
- хорижий инвесторларни зарур ахборотлар билан таъминлаш мақсадида корхоналар бухгалтерия ҳисоби



ва ҳисоботини халқаро стандартлар бўйича ташкил этишлари учун бухгалтерия ҳисоби хизмати билан шуғулланувчи кадрларнинг малакасини ошириб бориш.

Юқоридаги таклиф ва тавсиялар корхона активлари таркибини молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартлари талабларига мослаштиришга ёрдам беради ҳамда хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятини таҳлил қилишда кўмаклашади. Корхона активларининг назарий ҳамда концептуал асосларини такомиллаштириш ҳисоб ва ҳисоботда мавжуд бўлган камчиликларни бартараф этиш имкониятини яратади ва ахборот фойдаланувчилари учун корхоналарнинг молиявий ҳолатини таҳлил қилиш самарадорлигини оширади.

Мамлакатимиз иқтисодиётини жаҳоннинг ривожланган давлатлари амалиётида кўп йиллардан буён қўлланиб келинаётган молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартларига (МҲХС) ўтишини жадаллаштириш муҳим аҳамият касб этади. Хорижий инвесторларни зарур ахборот муҳити билан таъминлаш, инвестицион жозибадорликни ошириш ва халқаро молия бозорларига кириш, жаҳон савдо бозорида ўз имкониятларини кенгайтириш, шунингдек, бухгалтерия ҳисоби ва аудит соҳалари мутахассисларини халқаро стандартлар бўйича тайёрлаш тизимини такомиллаштириш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 24 февралдаги «Молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартларига ўтиш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги ПҚ-4611-сонли қарори кенг кўламда бухгалтерия ҳисоби ва аудит соҳасини тубдан такомиллаштиришда, хорижий тажрибалар асосида корхоналарни қайта ташкил қилиш жараёнларини ҳисобда акс эттириш тартибини белгилаш ва уларни халқаро стандартларга му-

ЮҚОРИДАГИ ТАКЛИФ ВА ТАВСИЯЛАР КОРХОНА АКТИВЛАРИ ТАРКИБИНИ МОЛИЯВИЙ ҲИСОБОТНИНГ ХАЛҚАРО СТАНДАРТЛАРИ ТАЛАБЛАРИГА МОСЛАШТИРИШГА ЁРДАМ БЕРАДИ ҲАМДА ХЎЖАЛИК ЮРИТУВЧИ СУБЪЕКТЛАР ФАОЛИЯТИНИ ТАҲЛИЛ ҚИЛИШДА КЎМАКЛАШАДИ. КОРХОНА АКТИВЛАРИНИНГ НАЗАРИЙ ҲАМДА КОНЦЕПТУАЛ АСОСЛАРИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ҲИСОБ ВА ҲИСОБОТДА МАВЖУД БЎЛГАН КАМЧИЛИКЛАРНИ БАРТАРАФ ЭТИШ ИМКОНИЯТИНИ ЯРАТАДИ ВА АХБОРОТ ФОЙДАЛАНУВЧИЛАРИ УЧУН КОРХОНАЛАРНИНГ МОЛИЯВИЙ ҲОЛАТИНИ ТАҲЛИЛ ҚИЛИШ САМАРАДОРЛИГИНИ ОШИРАДИ.



вофиқлаштиришда алоҳида ўрин эгаллайди[1].

Бугунги кунда мамлакатимизда корхоналарни қайта ташкил қилиш, жумладан, қўшиб юбориш, қўшиб олиш, бўлиш, ажратиб чиқариш, ўзгартириш амалдаги 23-сонли БҲМС (қайта ташкил этишни амалга оширишда молиявий ҳисоботни шакллантириш)-га асосан амалга ошириб келинаётган жараёнлар ҳақидаги ахборотни молиявий ҳисоботда ёритиш тартибини белгилашда қўлланиб келинмоқда. Мазкур БҲМС Ўзбекистон Республикаси ҳудудидаги барча хўжалик юритувчи корхоналарга нисбатан татбиқ этиб келинмоқда[2]. Ушбу миллий стандартга мувофиқ, корхоналарни қайта ташкил этишда тақдим этилувчи (қабул қилинувчи) активлар ва мажбуриятларни баҳолаш таъсисчиларнинг қайта ташкил этиш тўғрисидаги қарори (шартнома)да белгиланган тартибга мувофиқ амалга оширилади. Активлар ва мажбуриятларнинг ҳар бир тури учун активларнинг бошқа турларига нисбатан қўлланиладиган баҳолаш усулларидан фарқли алоҳида баҳолаш усули белгиланиши мумкин. Лекин стандартда таркибий қисмлари тўлиқ ёритилиши лозим бўлган, халқаро стандартларга мувофиқлигини таъминлайдиган бир қанча элементлар таркибий тузилиши жиҳатидан 22-сонли БҲХС «Корхоналарни бирлаштириш»дан фарқ қилади.

Ушбу стандартнинг мақсади ҳам корхоналарнинг бирлашиши жараёнларини БҲХС каби ҳисобда акс эттириш тартибини белгилаш ҳисобланади. 22-сонли БҲХСда компаниянинг бирлашиши харид ёки ҳиссаларини бирлаштириш деб таснифланган. Ушбу стандарт бир корхона

БУГУНГИ КУНДА МАМЛАКАТИМИЗДА КОРХОНАЛАРНИ ҚАЙТА ТАШКИЛ ҚИЛИШ, ЖУМЛАДАН, ҚЎШИБ ЮБОРИШ, ҚЎШИБ ОЛИШ, БЎЛИШ, АЖРАТИБ ЧИҚАРИШ, ЎЗГАРТИРИШ АМАЛДАГИ 23-СОНЛИ БҲМС (ҚАЙТА ТАШКИЛ ЭТИШНИ АМАЛГА ОШИРИШДА МОЛИЯВИЙ ҲИСОБОТНИ ШАКЛЛАНТИРИШ)ГА АСОСАН АМАЛГА ОШИРИБ КЕЛИНАЁТГАН ЖАРАЁНЛАР ҲАҚИДАГИ АХБОРОТНИ МОЛИЯВИЙ ҲИСОБОТДА ЁРИТИШ ТАРТИБИНИ БЕЛГИЛАШДА ҚЎЛЛАНИБ КЕЛИНМОҚДА. МАЗКУР БҲМС ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ҲУДУДИДАГИ БАРЧА ХЎЖАЛИК ЮРИТУВЧИ КОРХОНАЛАРГА НИСБАТАН ТАТБИҚ ЭТИБ КЕЛИНМОҚДА.

[1] *https://lex.uz/docs/4746047.*

[2] *https://nrm.uz/contentf?doc=82008_23-son_bhms_qayta_tashkil_etishni_amalga_oshirishda_moliyaviy_hisobotni_shakllantirish_(av_tomonidan_27_06_2005_y_1484-son_bilan_ro%E2%80%98yhatga_olingan_moliya_vazirining_12_04_2005_y_37-son_buyrug%E2%80%98i_bilan_tasdiqlangan)&products=1_zakonodatelstvo_respubliki_uzbekistan.*

АКТИВЛАР ВА МАЖБУРИЯТЛАРНИНГ ҲАР БИР ТУРИ УЧУН АКТИВЛАРНИНГ БОШҚА ТУРЛАРИГА НИСБАТАН ҚЎЛЛАНИЛАДИГАН БАҲОЛАШ УСУЛЛАРИДАН ФАРҚЛИ АЛОҲИДА БАҲОЛАШ УСУЛИ БЕЛГИЛАНИШИ МУМКИН. ЛЕКИН СТАНДАРТДА ТАРКИБИЙ ҚИСМЛАРИ ТЎЛИҚ ЁРИТИЛИШИ ЛОЗИМ БЎЛГАН, ХАЛҚАРО СТАНДАРТЛАРГА МУВОФИҚЛИГИНИ ТАЪМИНЛАЙДИГАН БИР ҚАНЧА ЭЛЕМЕНТЛАР ТАРКИБИЙ ТУЗИЛИШИ ЖИҲАТИДАН 22-СОНЛИ БҲҲС «КОРХОНАЛАРНИ БИРЛАШТИРИШ»ДАН ФАРҚ ҚИЛАДИ.

томонидан бошқасининг сотиб олиниши ва харидор аниқланмаган ҳолларда манфаатларни бирлаштириш жараёнларини қамраб олади. Корхонани бирлаштириш бошқа корхонанинг акцияси хариди бўлмасдан, балки бунда тадбиркорлик репутацияси билан бирга корхонанинг соф активлари харид қилиниши тушунилади[3].

23-сонли БҲМСга мувофиқ (9-банд) қайта ташкил этишни амалга ошириш шароитида молиявий ҳисоботни шакллантириш қуйидагиларга асосланади:

- муассислар ёки тегишли органларнинг қайта ташкил этиш тўғрисидаги қарорлари;
- қайта ташкил этиш натижасида вужудга келган корхоналарнинг таъсис ҳужжатлари;
- Ўзбекистон Республикасининг қонун ҳужжатлари билан белгиланган ҳолларда қўшиб юбориш, қўшиб олиш, бўлиш, ажратиш ва ташкилий-ҳуқуқий шаклни ўзгартириш тўғрисидаги шартномалар;
- топшириш далолатномаси ёки тақсимлаш баланси;
- Ўзбекистон Республикасининг қонун ҳужжатларига мувофиқ, рўйхатга олувчи орган қўшиб юбориш, бўлиш, ажратиб чиқариш ва ўзгартириш шаклида қайта ташкил этишда янги вужудга келган корхоналар ҳақидаги ёзувни; қўшиб олиш шаклидаги қайта ташкил этишда қўшиб олинган корхоналарнинг охиргиси фаолияти тўхтатилгани ҳақидаги ёзувни Реестрга киритганини тасдиқловчи ҳужжат ва бошқалар.

Муассислар қарори (шартномаси)га биноан топшириш далолатномаси ёки тақсимлаш баланси қуйидаги иловаларни ўз ичига олади:

- ❖ қайта ташкил этилаётган корхона активлари ва мажбуриятлари таркиби, шунингдек қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда активлар ва мажбуриятларни топширишни расмийлаштириш санасидан олдинги охирги ҳисобот санасига бўлган уларнинг баҳоси акс эттирилган,



[3] *https://www.iasplus.com/en/standards/ias/ias22.*

Ўзбекистон Республикасининг «Бухгалтерия ҳисоби тўғрисида»ги Қонунида[4] назарда тутилган таркибда молиявий ҳисобот;

❖ топшириш далолатномаси ёки тақсимлаш балансини тузиш олдидан Ўзбекистон Республикасининг 19-сонли БҲМС «Инвентаризацияни ташкил этиш ва ўтказиш»га мувофиқ ўтказилган ва уларнинг тўғрилиги (активлар ва мажбуриятларнинг мавжудлиги, ҳолати ва баҳоси)ни тасдиқловчи, қайта ташкил этилаётган корхонанинг активлари ва мажбуриятларини инвентаризация қилиш далолатномалари (хатлаш ҳужжатлари);

❖ моддий ва номоддий активлар бўйича бошланғич ҳужжатлар (асосий воситалар, номоддий активлар, товар-моддий захиралар ва бошқаларни қабул қилиш-топшириш далолатномалари (юкхатлари)), корхоналарни қайта ташкил этишда қабул қилиниши-топширилиши лозим бўлган бошқа активларнинг рўйхатлари (хатлаш ҳужжатлари);

❖ қайта ташкил этилаётган корхоналар давлат рўйхатидан ўтган пайтдан бошлаб мол-мулки ва тегишли шартномалар ва контрактлар бўйича мажбуриятлари, тегишли бюджетлар, давлат мақсадли жамғармалари ва бошқалар билан ҳисоб-китоблар ҳуқуқий ворисга ўтганлиги ҳақида уларнинг кредиторлари ва дебиторлари белгиланган муддатда ёзма равишда хабардор этилганлиги тўғрисидаги ахборот кўрсатилган кредиторлик ва дебиторлик қарзлари расшифровкаси (уларни хатлаш ҳужжатлари) ва бошқалар.

ТАДҚИҚОТ НАТИЖАЛАРИ ВА ТАҲЛИЛИ

Корхоналарни қайта ташкил этиш ҳисоби жараёнини ҳисобга олишда харид моҳият жиҳатидан манфаатларни бирлаштиришдан фарқ қилади, қайсики унинг мазмуни молиявий ҳисоботда акс эттирилиши лозим. Шунга мувофиқ равишда ушбу ҳар бир тур учун ҳисобга олишнинг турли усуллари ўз ифодасини топади.

Стандартда харид қилинган идентификацияланадиган активлар ва мажбуриятларнинг турлари бўйича уларнинг адолатли қийматини аниқлаш мезонлари келтирилган. Масалан, қимматли қоғозлари жорий бозор қийматида баҳоланиши, дебиторлик қарзлари олиниши мумкин бўлган жорий баҳоларда, тайёр маҳсулотлар сотиш баҳосида қуйидагиларни чегириб ташлагандан кейинги суммасида баҳоланади:

- чиқишига доир бўлган харажатлар;
- компания харидорнинг худди шундай тайёр маҳсулотни сотишдан олинадиган фойдани кўриш учун сарфла-

[4] *«Бухгалтерия ҳисоби тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни. 2016 йил 13 апрель, ЎРҚ-404-сонли.*



22-СОНЛИ БҲҲСДА КОМПАНИЯНИНГ БИРЛАШИШИ ХАРИД ЁКИ ҲИССАЛАРИНИ БИРЛАШТИРИШ ДЕБ ТАСНИФЛАНГАН. УШБУ СТАНДАРТ БИР КОРХОНА ТОМОНИДАН БОШҚАСИНИНГ СОТИБ ОЛИНИШИ ВА ХАРИДОР АНИҚЛАНМАГАН ҲОЛЛАРДА МАНФААТЛАРНИ БИРЛАШТИРИШ ЖАРАЁНЛАРИНИ ҚАМРАБ ОЛАДИ. КОРХОНАНИ БИРЛАШТИРИШ БОШҚА КОРХОНАНИНГ АКЦИЯСИ ХАРИДИ БЎЛМАСДАН, БАЛКИ БУНДА ТАДБИРКОРЛИК РЕПУТАЦИЯСИ БИЛАН БИРГА КОРХОНАНИНГ СОФ АКТИВЛАРИ ХАРИД ҚИЛИНИШИ ТУШУНИЛАДИ.

надиган хатти-ҳаракатларидан кутиладиган фойдадаги ҳиссаси. Машина ва асбоб-ускуналарни баҳолаш ёрдамида аниқланган бозор қийматида адолатли қиймат аниқланиши кўзда тутилган. Тўланадиган счётлар ва векселлар, узоқ муддатли қарзлар, мажбуриятлар ва ҳисоблашлар, тўланишга доир бўлган бошқа счётлар тааллуқли жорий фоиз ставкалари асосида дисконтлашган қийматида акс эттирилади. Салбий гудвилл ҳам вужудга келиши мумкин. Салбий гудвилл ҳисобот бераётган компаниянинг активларидан чиқариб ташланган ҳолда акс эттирилиб, бухгалтерия балансида ўша умумэътироф этилган таснифда қайд қилинади.

БҲМСда эса корхоналарни қайта ташкил этишда топшириладиган активлар қуйидаги қийматлар бўйича баҳоланиши мумкин:

- хариднинг ҳақиқий таннархи бўйича;
- дастлабки қиймати бўйича;
- қолдиқ қиймати бўйича;
- тикланиш қиймати бўйича;
- номинал қиймати бўйича;
- ишлаб чиқаришнинг ҳақиқий тўла таннархи бўйича;
- бевосита харажатларга кўра ишлаб чиқаришнинг ҳақиқий таннархи бўйича;
- режали, меъёрий таннархи бўйича;
- бозор баҳоси бўйича.

Юқоридагилардан хулоса қилиш мумкинки, корхоналарни қайта ташкил қилиш жараёнлари ҳисобининг бухгалтерия ҳисоби халқаро стандартларига мувофиқлигини таъминлаш дунё тан олган баҳолаш мезонлари асосида инвестицион жозибадорликни оширган ҳолда фойдаланувчига аниқ ва лўнда ахборотни, яъни корхоналарнинг бирлашиши, хариди ёки манфаатлар тўқнашуви каби жараёнларни осон тарзда тушуниб олишда, тақдим этилган ахборот орқали синтез қилиб, корхонанинг молиявий ҳолати тўғрисида маълумотга эга бўлишда қўл келади. Бу эса, ўз навбатида, МҲХСнинг бошқа жиҳатларини миллий бухгалтерия ҳисоби ва аудитга татбиқ қилишга ундайди.

